

## КОРХОНАЛАРДА КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МАВОФИҚ ОЛИБ БОРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Сирожиддинов Икромиддин Қутбиддинович  
и.ф.н., профессор,  
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси,  
Наманган давлат техника университети,  
[sirojiddin.ikromiddin@gmail.com](mailto:sirojiddin.ikromiddin@gmail.com)  
+998941701950

**Аннотация:** Мақолада капитал қўйилмалар ҳисобини халқаро стандартлар асосида олиб боришда қийматининг тан олинishi, баланс қийматини аниқлаш, замонавийлаштириши билан боғлиқ харажатларнинг тан олинishi ва бошқа масалалар халқаро ва миллий стандартлар талаблари нуқтаи назаридан ёритилган. Капитал қўйилмаларнинг асосий воситалар қийматида мужассамлашуви молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун тадбиркорлик субъектининг асосий воситаларга киритилаётган инвестициялари сифатида қаралмоқда. Асосий воситаларга улар барпо этилганидан кейинги даврлардаги капитал харажатлар мазмуни илмий таҳлил этилган. Бу харажатларнинг реконструкция ва замонавийлаштириши йўналишларида тан олинishi хусусиятларига эътибор қаратилган. Тугалланмаган қурилишининг инвентаризацияси илмий тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** асосий воситалар, капитал қўйилмалар, иқтисодий наф, дастлабки қиймат, баланс қиймати, реконструкция, замонавийлаштириши, инвентаризация.

### КИРИШ

Ўзбекистонда изчил равишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида модернизациялаш жараёнлари ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий қувватини ва технологик салоҳиятларини оширмоқда. Демак, мамлакатимиз иқтисодиётида салмоқли ўзгаришлар юзага келмоқда ҳамда иқтисодий ўсишга ва аҳоли фаровонлигига ҳам ижобий таъсир этмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитларида иқтисодий ўсишни таъминлашда капитал қўйилмалар жараёни ўта муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Маълумки, капитал қўйилмалар корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва оширишга ва мустаҳкамлашга қаратилган бўлади. Бу эса бухгалтерия ҳисобида асосий воситаларнинг кўпайишида ифодаланади.

Капитал қўйилмалар ҳисобининг халқаро ва миллий тандартлар талабларига монанд ҳолда юритилиши молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний ва ишончли шакллантирилишини таъминлашга хизмат қилади.

### АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Адлия вазирлигида 1998 йил 23 сентябрда 491-сон билан рўйхатдан ўтган «Асосий воситалар» 5-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг 18-бандига асосан корхона томонидан иқтисодий наф олинадиган тақдирда асосий

воситаларнинг дастлабки қиймати капитал қуйилмалар ҳисобига кўпайиши мумкин<sup>25</sup>.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 16 *Асосий воситалар* молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар тадбиркорлик субъектининг асосий воситаларига қилган инвестицияларини ва бундай инвестициялардаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни тушуниши учун асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибини белгилаб бериш мақсадида қўлланади<sup>26</sup>.

Асосий воситаларни ҳисобга олишда асосий масалалар бўлиб активларни тан олиш, уларнинг баланс қийматини аниқлаш ва улар бўйича эскириш харажатларини ва қадрсизланиш бўйича зарарларни тан олиш ҳисобланади<sup>27</sup>.

16-сонли МҲХСда қуйидаги атамалар ишлатилган:

Асосий воситалар – бу моддий активлар бўлиб, улар:

А) компания томонидан товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун, бошқа компанияларга ижарага бериш учун ёки маъмурий мақсадлар учун ишлатилади;

Б) улардан бир даврдан ортиқроқ бўлган муддатда фойдаланиш назарда тутилади.

Амортизация – активнинг бутун фойдали хизмати давомида унинг амортизацияланадиган қийматининг мунтазам камайтирилиб борилиши.

Амортизацияланадиган қиймат – қолдиқ қийматни чиқариб ташлаган ҳолда активнинг олинисига ҳақиқатдаги харажатлар ёки молиявий ҳисоботларда ҳақиқий харажатларнинг ўрнига акс этирилган бошқа миқдорлар.

Фойдали хизмат муддати – бу амортизацияланаётган активларнинг компания томонидан фойдаланиши кутилаётган давр ёки компания автивдан фойдаланиб ишлаб чиқаришни тахмин қилаётган маҳсулотлар миқдори.

Ҳақиқий харажатлар – активнинг сотиб олинисига ёки барпо этилиши пайтида тўланган пул маблағлари ёки пул маблағлари эквивалентларининг суммаси ёки активни олиш учун берилган бошқа бойликнинг адолатли қиймати.

Қолдиқ қиймат – активнинг фойдали хизмат муддати охирида унинг чиқиб кетиши бўйича харажатларни чегириб ташлаб, компания олишни кутаётган соф сумма (миллий стандартларда бу сумма кўпинча тугатиш қиймати деб номланади).

Адолатли қиймат – активни олиш ёки мажбуриятни бажариш учун биридан мустақил, яхши хабардор, шундай битим тузишни хоҳловчи томонлар ўртасидаги битишувда етарли бўлган пул маблағлари суммаси.

Қадрсизланишдан зарар – активнинг баланс қийматининг унинг қоплаб бериладиган қийматидан ортиқ қисми.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Т., 2007.

<sup>26</sup> Разъяснения Международных стандартов финансовой отчетности. Алматы, 2001, с. 206.

<sup>27</sup> Сирожиддинов И. Қ. Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларининг хўжалик амалиётида қўлланиши масалалари. Илмий монография. – Наманган, 2022, 76-бет.

Баланс қиймати – бухгалтерия балансида актив жамғарилган амортизация ва кадрсизланишдан жамғарилган зарар суммасини чегириб ташлаб, тан олинадиган сумма (6-пункт).

Охирги атаманинг таърифидан кўриниб турибдики, халқаро стандартлар бўйича баланс қиймати атамаси миллий хўжалик амалиётимиздаги асосий воситанинг балансидаги қолдиқ қиймати тушунчасига мувофиқ келади.

16-сонли МҲХСга биноан асосий воситалар объекти қуйидаги шартлар мавжуд бўлганда актив деб тан олиниши лозим:

А) катта эҳтимоллик билан компания актив билан боғлиқ келгуси иқтисодий нафларни олади дейиш мумкин;

Б) компаниянинг активни олишга ҳақиқатдаги харажатлари ишончли баҳоланиши мумкин (7-пункт).

Асосий воситалар объектининг тан олинишининг биринчи шартига мувофиқлигини аниқлашда компания дастлабки тан олиш пайтига мавжуд фактлар асосида келгуси иқтисодий нафларнинг олиниши эҳтимоли даражасини баҳолаши лозим. Бу иқтисодий нафларнинг олиниши етарли эҳтимоли мавжудлиги компания актив билан боғлиқ неъматларни олиши ва тегишли хатарларни ўз зиммасига олиши борасида аниқликни талаб қилади. Одатда бундай аниқлик неъматлар ва хатар компания зиммасига ўтган пайтдагина бўлади (9-пункт).

Тан олинишнинг иккинчи шarti одатда осон қондирилади, чунки активни сотиш олинишидан гувоҳлик берувчи айирбошлаш операцияси натижасида унинг қиймати ойдинлашади. Активни ўз кучи билан яратилганда унинг қийматини ишончли баҳолаш қурилиш жараёнида ташқи томонлар билан материалларни, иш кучини сотиб олиш операциялари ва бошқа харажатлар асосида амалга оширилиши мумкин (10-пункт).

16-сонли МҲХСнинг талабига кўра актив сифатида тан олиниши мумкин бўлган асосий воситаларнинг объекти аввал бошда уни олишга ҳақиқий харажатлар бўйича ўлчаниши лозим (14-пункт).

Асосий воситаларнинг объектини олишга ҳақиқатдаги харажатлар ўз ичига сотиб олиш баҳосини, шу жумладан импорт божларини ва сотиб олишга қоплаб берилмайдиган солиқларни, шунингдек активни вазифаси бўйича ишлатиш учун ишчи ҳолатга келтиришнинг ҳар қандай тўғри харажатларини олади. Сотиб олиш баҳосини аниқлашда ҳар қандай савдо чегирмалари чиқариб ташланади (15-пункт).

Тан олиниб бўлган асосий воситаларнинг объектига тааллуқли кейинги харажатлар, агар компания катта эҳтимоллик билан мавжуд активнинг дастлабки ҳисоблаб чиқилган норматив кўрсаткичларидан ортиқ бўлган келгуси иқтисодий нафлар олса, объектнинг баланс қийматини оширади. Бошқа барча кейинги харажатлар улар қилинган даврда харажат деб тан олиниши лозим (23-пункт).

16-сонли МҲХС асосий воситалар дастлабки тан олинишидан сўнг уларнинг ўлчанишининг асосий тартибини ва йўл қўйиладиган муқобил тартибини белгилаб берган. Ҳисоб юритишнинг асосий тартиби шундан иборатки, асосий воситаларнинг объекти актив сифатида дастлаб тан

олинганидан сўнг унинг дастлабки қиймати бўйича, жамғарилган амортизацияни ва жамғарилган қадрсизланишдан зарарларни чиқариб ташлаб, ҳисобга олиниши лозим (28-пункт).

Ҳисоб юритишнинг йўл қўйиладиган муқобил тартибида эса, асосий воситаларнинг объекти актив сифатида дастлаб тан олингандан сўнг қайта баҳолаш санасига унинг адолатли баҳоси бўлган қайта баҳоланган қиймат бўйича, кейинчалик жамғарилган амортизацияни ва жамғарилган қадрсизланишдан зарарларни чиқариб ташлаб, ҳисобга олиниши лозим. Баланс қиймати ҳисобот санасига адолатли қийматни қўллашда аниқланган қийматдан муҳим равишда фарқ қилмаслиги учун қайта баҳолаш етарли даражада мунтазам ўтказиб турилиши лозим (29-пункт).

Капитал қўйилмалар жараёнида харажатлар тан олинишида 11-сонли МҲХС қўлланиши лозим. Унга биноан қурилиш шартномаси бўйича харажатлар ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

А) муайян шартнома билан бевосита боғланган харажатлар;

Б) қурилиш шартномаси бўйича бутун фаолиятга тааллуқли ва муайян шартномага олиб борилиши мумкин бўлган харажатлар;

В) шартнома шартларига кўра буюртмачи томонидан қоплаб берилиши мумкин бўлган бошқа харажатлар (16-пункт).

Муайян шартномага бевосита мансуб харажатлар қуйидагиларни ўз таркибига олади:

А) қурилиш майдонидаги ишчиларнинг иш ҳақи, қурилиш майдонидаги назоратни ҳам қўшган ҳолда;

Б) қурилишда ишлатилган материаллар қиймати;

В) шартномани бажариш учун фойдаланилган асосий воситаларнинг амортизацияси;

Г) қурилиш майдонида ва ундан ташқарига машиналар, ускуналар ва материаллар силжитиш харажатлари;

Д) машиналар ва ускуналарнинг ижараси харажатлари;

Е) шартнома билан бевосита боғлиқ конструкторлик ва техникавий қувватлашга харажатлар;

Ж) хатолар тузатишга ва кафолат ишларини бажаришга, шу жумладан кафолат таъмирлаш ишлари бўйича назарда тутилаётган харажатлар;

З) учинчи томонларнинг даъволари.

Бу харажатлар қурилиш шартномаси бўйича умумий даромадга киритилмаган тасодифий даромад суммасига камайтирилиши мумкин, масалан, ортиқча материалларни сотишдан ёки шартнома бажарилгандан сўнг машиналар ва ускуналарни сотишдан даромад суммасига (17-пункт).

Қурилиш шартномалари бўйича бутун фаолиятга тааллуқли ва муайян шартномага ҳам олиб борилиши мумкин бўлган харажатларга қуйидагилар киради:

А) суғурта тўловлари;

Б) муайян шартнома билан бевосита боғланмаган конструкторлик ва техникавий қувватлашга харажатлар;

В) қурилишнинг устама харажатлари.

Бундай харажатлар барча харажатларга нисбатан изчил равишда бир хил характеристикаларда қўлланиладиган тизимли (мунтазам) ва оқилона методлар ёрдамида тақсимланади. Уларнинг тақсимланиши қурилиш фаолиятининг нормал даражасига асосланади. Қурилишнинг устама харажатлари қурилиш ходимларининг иш ҳақи бўйича маълумотларни тайёрлаш ва қайта ишлаш харажатларини ўз ичига олади. Умуман, қурилиш шартномаси бўйича фаолиятга тааллуқли ва муайян шартномага олиб борилиши мумкин бўлган харажатларга, агар пудратчи 23-сонли МХХС “Қарзлар бўйича харажатлар”да келтирилган йўл қўйиладиган муқобил методни қабул қилган бўлса, қарз маблағларидан фойдаланиш харажатлари ҳам киритилади (18-пункт).

## МЕТОДОЛОГИЯ

Иқтисодий наф деганда реконструкция қилинаётган ёки замонавийлаштирилаётган асосий воситаларнинг хизмат қилиш муддати, унумдорлиги ва бошқа сифат тавсифларининг ортиши ёки яхшиланиши назарда тутилади.

Шу нуктаи назардан капитал қўйилмалар

- асосий воситалар объектларини қуришга;
- кенгайтиришга;
- реконструкция қилишга;
- замонавийлаштиришга йўналтирилади.

Янги қурилишга бинолар ва ускуналарни, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўлинмаларни барпо этиш, янги корхоналарни, шунингдек фойдаланишга топширилганидан сўнг мустақил балансда бўладиган филиаллар ва алоҳида ишлаб чиқаришнинг янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш мақсадида янги майдонларда олиб борилаётган объектлари қурилиш комплекслари киради.

Агар корхона ёки иншоат қурилишини навбат билан амалга ошириш белгиланган бўлса, бунда янги қурилишга қурилиб битказилган ва фойдаланишга топширилган навбатлар кирмайди.

Корхонанинг мавжуд майдонида техник ва иқтисодий шароитлар бўйича мақсадга мувофиқ эмас деб тан олинган, шунингдек ишлаб чиқариш-технология ёки санитар-техник талабларга жавоб бермаётган қувватлар ўрнига шундай ёки янада кўпроқ қувватларни барпо этиш ҳам янги қурилишга киради. Қурилиш бўлинмаларидан ёки пудратчи ташкилотлардан қабул қилиб олинган, лекин ишга тушурилмаган қувватлар таннархи бўйича 0800 капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи сўтларнинг дебетида ҳисобга олинади. Фойдаланиш бошланганда эса 0100 сўтларнинг дебетида ўтказилади.

Фаолият кўрсатаётган корхонани кенгайтириш натижасида унинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсади (унумдорлиги, ўтказиш имконияти, бино ёки иншоатнинг сиғими кабилар) ва бу янги қурилиш йўли билан шунга ўхшаш қувватларни барпо этишга нисбатан камроқ муддатларда ва камроқ харажатлар билан амалга оширилади.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Корхона рақобатбардошлигини таъминлаб туришда реконструкция ишлари алоҳида ўрин тутади. Фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилишга илмий-техник тараққиёт ютуқлари асосида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий даражасини ошириш мақсадида мавжуд цехларни ва асосий, ёрдамчи ва хизмат қилиш мақсадли объектларини қайтадан қуриш киради. Реконструкция қилиш, умуман олганда, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, сифатни яхшилаш ва маҳсулот номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида ишлаб чиқилган корхонани реконструкция қилишнинг комплекс лойиҳаси бўйича амалга оширилади. Лойиҳада техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш билан бирга меҳнат шароитларини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни яхшилаш ҳам назарда тутилади.

Одатда корхоналарни реконструкция қилишда қуйидагилар амалга оширилади:

- янги, юқори унумли ва техник кўрсаткичлари бўйича янада такомиллашган ускуна мавжуд биноларга сиғмаган ҳолларда асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи мақсадли алоҳида биноларни ва иншоотларни кенгайтириш;
- номутаносибликни тугатиш мақсадида ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи мақсадли янги цехларни ва объектларни қуриш ва мавжудларини кенгайтириш;
- фаолият кўрсатаётган корхона ҳудудида техник ва иқтисодий шароитларга асосан бундан буён фойдаланилиши мақсадга мувофиқ эмас деб топилиб тугатилаётган бинолар ва иншоотлар ўрнига худди шундай мақсадли янгиларини қуриш.

Реконструкция қуйидаги натижаларга эришилишини назарда тутади:

- технология таркибий бўғинларидаги номутаносибликларни тугатиш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши;
- кам чиқиндилли, чиқиндисиз технологияларни ва ихчам ишлаб чиқаришларни жорий қилиш;
- меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- ишлаб чиқариш материаллари сарфининг ва маҳсулот таннархининг камайиши;
- фонд самарасининг ўсиши ва фаолият кўрсатаётган корхонанинг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланиши.

Корхоналарни замонавийлаштиришга жисмонан ёки маънавий эскирган ускуналарни юқорироқ самаралисига алмаштириш асосида мавжуд ишлаб чиқаришлар, цехлар ва участкаларнинг техник-иқтисодий даражасини ошириш, шунингдек умумзавад хўжаликлари ва қўшимча хизматларни такомиллаштириш борасидаги тадбирлар мажмуаси киради. Замонавийлаштириш одатда ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтирмаган ҳолда махсус лойиҳалар ва тегишли сметалар бўйича амалга оширилади.

Замонавийлаштиришда мавжуд ишлаб чиқариш майдонларига янги ускуналар ва машиналар, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий воситалари қўшимча ўрнатилади, табиатни сақлаш объектлари, иситиш ва

вентиляция тармоқларини техник қайта жиҳозланади, корхонани, цехларни ва қурилмаларни иссиқлик ва электр таъминотининг марказлашган манбаларига улаш ишлари кабилар амалга оширилади. Кўпчилик ҳолларда замонавийлаштириш бўйича қилинган харажатлар дастлаб 0800 счётларда қайд этилиб, пировардида тегишли 0100 счётларнинг дебетларига олиб борилади.

Бунда жойлаштирилаётган янги усқунанинг ўлчамлари билан боғлиқ бўлган мавжуд ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини қисман қайта қуриш ва кенгайтириш, агар замонавийлаштириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар билан боғлиқ бўлса, мавжуд ёрдамчи ва хизмат қилишга йуналтирилган объектларни (масалан: омбор хужалиги объектлари, компрессор, козонхона, кислород ва бошқа объектлар) кенгайтириш ва янгиларини қуриш ҳам амалга оширилади.

Бу қоидалар 16-сонли БҲХС талабларига ҳам мос келади: актив сифатида тан олинадиган асосий воситалар объекти дастлаб таннархи бўйича баҳоланиши керак. Таннарх элементлари: асосий воситалар объектининг таннархи сотиб олиш нархини, шу жумладан импорт божи ва сотиб олиш билан боғлиқ қайтарилмайдиган солиқлар, шунингдек тегишли жойда фойдаланиш мақсадида активни иш ҳолатига келтириш билан боғлиқ ҳар қандай харажатлар ўз ичига киритади; ҳар қандай савдо чегирмалар сотиб олиш нархи аниқланганда айириб ташланади.

## ДИСКУССИЯ

Капитал қўйилмалар натижалари бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этирилганлигини назорат қилишнинг муҳим таркибий қисми инвентаризациядир. Бу ўз навбатида тегишли равишда тугалланмаган капитал қурилишнинг инвентаризациясидан бошланади. Тугалланмаган капитал қурилишнинг мавжудлиги ва ҳажми инвентаризация пайтида, унинг бажарилган қисмини натура (ашёвий) кўринишда текшириш йўли билан белгиланади. Инвентаризация қилиш далолатномаларида объект номи ва ана шу объектга доир бажарилган ишлар ва сарфлар ҳажми, ҳар бир алоҳида иш тури, конструктив унсурлар, усқуналар ва ҳоказолар бўйича кўрсатилади.

Инвентаризация комиссияси қуйидагиларни текшириши керак:

- тугалланмаган капитал қурилиш таркибида монтажга берилган, лекин ҳақиқатда монтажи бошланмаган усқуналар бор-йўқлигини;
- консервацияланган ва вақтинча қурилиши тўхтатилган объектларнинг ҳолатини.

Ана шу объектлар бўйича, хусусан, уларни консервациялаш учун сабаблар ва асосни аниқланиши зарур.

Инвентаризация жараёнида қабул қилиниши ва фойдаланишга топширилиши тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилмаган, қурилиши тугалланган, тўлиқ ёки қисман амалда фойдаланишга топширилган объектларга алоҳида далолатномалар тузилади. Тугалланган, лекин маълум сабабларга кўра фойдаланишга топширилмаган объектларга ҳам алоҳида далолатномалар тузилади. Далолатномаларда кўрсатилган объектларни фойдаланишга

топширишни расмийлаштириш нима учун чўзилганлиги сабабларини ҳам кўрсатиш лозим бўлади. Далолатномалар асосида тегишли бухгалтерия ўтказмалари бажарилади.

### **ХУЛОСА**

Қурилиши тугалланган объектларга, шунингдек, амалга оширилмаган, баланسدан чиқарилиши керак бўлган қурилиш бўйича лойиҳалаш-тадқиқот ишларига далолатномалар тузилади, уларда қурилишни тўхтатиш сабаблари кўрсатилган ҳолда, бажарилган ишлар характери ва уларнинг қиймати тўғрисида маълумотлар келтирилади. Бунинг учун тегишли техник ҳужжатлар, ишлар, босқичларни топшириш далолатномалари, қурилиш объектларида бажарилган ишларни ҳисобга олиш журналлари ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланилади.

Бинолар, иншоотлар, машиналар, ускуналар, энергетик қурилмалар ва бошқа объектларнинг ғайриқонуний капитал таъмирланиши ҳолларини инвентаризациялаш натура (ашёвий) кўринишида ишлар ҳолатини текшириш йўли билан амалга оширилади.

Тугалланмаган капитал таъмирлашга далолатнома тузилади, унда таъмирланаётган объект номи, ишлар номи ва бажариш фоизи, бажарилган ишларнинг сметадаги ва ҳақиқий қийматлари кўрсатилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Т., 2007.
2. Разъяснения Международных стандартов финансовой отчетности. Алматы, 2001.
3. Сирожиддинов И. Қ. Молиявий менежмент. Дарслик. - Наманган, 2022.
4. Сирожиддинов И. Қ. Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларининг хўжалик амалиётида қўлланиши масалалари. Илмий монография. – Наманган, 2022.
5. Abdulazizovich, X. U. B. (2023). Moliyaviy aktivlar hisobini yuritishda xalqaro standartlar qoidalarini qo'llash masalalari. Ilmiy monografiya. Toshkent–2023.